



«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

(рўйхатдан ўтказувчи орган номи)

20__ йил о__ »
_____ -рақам билан

М.У.

RO'YXALIGA OLINDI
№ 4 / 08. 09 / 04.0000761

«ТАСДИҚЛАНГАН»
Ўзбекистон Республикасининг
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш
ва рақобатни ривожлантириш Давлат
қўمатасининг 2014 йил 17 июлдаги
09к-ПҚ-сонли буйруғи билан



Handwritten signature



«Qurilish birlashmasi» aksiyadorlik jamiyati ustavi

ЎМУМУЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “Qurilish birlashmasi” aksiyadorlik jamiyati Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 18 апрелдаги ПҚ-2165-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар Бошқармасининг Қурилиш бирлашмаси” давлат унитар корхонасини акциядорлик жамияти этиб қайта ташкил қилиш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 17 июлдаги 09к-ПО-сонли буйруғига мувофиқ ташкил этилди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар Бошқармасининг Қурилиш бирлашмаси” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар Мирзо-Улугбек тумани Хоким томонидан 2002 йил 10 декабрда 04-000761-сон реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

“Qurilish birlashmasi” aksiyadorlik jamiyati (бундан буён - Жамият) “Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар Бошқармасининг Қурилиш бирлашмаси” давлат унитар корхонасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

ўзбек тилида: “Qurilish birlashmasi” aksiyadorlik jamiyati;

рус тилида: акционерное общество “Qurilish birlashmasi”.

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

ўзбек тилида: “Qurilish birlashmasi” AJ;

рус тилида: АО “Qurilish birlashmasi”.

1.5. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

1.6. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлади.

Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.8. Жамиятнинг жойлашган ери у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.

Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100142, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Султания кўчаси, 15А-уй.

Электрон почта манзили: qurilish_birlashmasi@mail.ru.

Жамият ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

1.9. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида банк ҳисобварақларини очишга ҳақли.

1.10. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмади ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш

таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.11. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

1.12. Филиал Жамиятнинг Жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

Ваколатхона Жамиятнинг Жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган, унинг манфаатларини ифодалайдиган ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари Жамият томонидан тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик Жамият зиммасида бўлади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

1.13. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Шўъба хўжалик жамияти Жамият мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга Жамият бундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба хўжалик жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба хўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади.

Агар Жамият хўжалик жамиятининг овоз берувчи акцияларининг (улушларининг) йигирма фоиздан ортиғига эга бўлса, хўжалик жамияти тобе деб эътироф этилади.

1.14. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Жамият, шунингдек нотижорат ташкилотларда иштирок этиши мумкин.

II. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молия-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

2.2. Қуйидагилар Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ҳисобланади:

қурилиш-монтаж ишларини бажариш;

қурилиш маҳсулотлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш;

мол-мулк сотиш ва сотиб олиш (асосий фондлар, транспорт воситалари, механизмлар ва б.);

Ўзбекистон Республикаси ва МДҲ мамлакатлари ҳудудида юк ва йўловчи ташиш;

аҳолига пуллик хизматларни кўрсатиш, халқ истеъмол молларини тайёрлаш;

уй-жой-фуқаролик аҳамиятига эга объектлар ва мажмуиларни қуришга доир лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини I-V мураккаблик тоифаси бўйича лойиҳалаштириш;

дизайнерлик ишлари;

нашрларни ишлаб чиқиш ва техник ва бошқа адабиётларни реализация қилиш;

Жамият балансидаги спорт иншоотлари ва соғломлаштиришга йўналтирилган клубларда спорт-соғломлаштириш хизматларини кўрсатиш, шунингдек спорт-техник ускуналар, тренажерлар, инвентарлар ва бошқа хизматларни тақдим этиш;

ҳаваскорлар, болалар ва ўсмирлар ўртасида теннис бўйича мусобақалар, шунингдек болалар спорт анжуманларини ўтказиш;

ўз эҳтиёжлари ва бошқа корхоналарга, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатиш учун машиналарга баллонлардаги суюқ газ қуйишни ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

ташқи иқтисодий фаолият;

саноат, фуқаролик ва бошқа аҳамиятга эга объектларни, шу жумладан аҳоли буюртмалари бўйича, бузиш, текислаш ва реконструкциялаш;

автомагистраллар, шоссе йўллари ва аэродромлар барпо этиш бўйича қурилиш ишларини амалга ошириш;

сув иншоотларини қуриш;

кўприклар қуриш;

бино ва иншоотларга муҳандислик ускуналарини монтаж қилиш;

қурилиш маҳсулотлари ва конструкцияларни ишлаб чиқариш (ғишт, металл конструкциялар, ёғоч маҳсулотлари, шиша ва стеклопакетлар, қуруқ аралашмалар, бетон хом ашёси, темир-бетон маҳсулотлари, алюминийдан ясалган буюмлар ва х.);

улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш;

чакана савдо фаолиятини амалга ошириш;

қурилиш маҳсулотлари, деталлар, узеллар ва бошқаларнинг сифат назорати бўйича лаборатория синовларини ўтказиш;

ишчиларни қурилиш мутахассисликлари бўйича ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

божхона ва бўш омборларда юкларни сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш;

буюртмачи-қурувчи вазибаларини бажариш;

бош пудратчи вазибаларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ўз, заём ва жалб қилинган маблағларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятга жалб қилиш;

машина, механизация ва автотранспорт хизмати кўрсатиш, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари қуйиш ва уларни ҳисобдан чиқариш, техник хизмат кўрсатиш, техника воситаларини техник ва капитал таъмирлаш;

моддий-техник таъминот бўйича хизматлар;

ижара ва лизинг.

2.3. Жамият юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари тадбиркорлик фаолиятининг қонунчиликка зид келмайдиган бошқа турлари билан шуғулланиши мумкин.

2.4. Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

2.5. Жамиятнинг ташқи иқтисодий фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КўПАЙТИРИШ ЁКИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди 40 774 213 600 (қирқ миллиард етти юз етмиш тўрт миллион икки юз ўн уч минг олти юз) сўмни ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 100 (бир юз) сўм бўлган 407 742 136 (тўрт юз етти миллион етти юз қирқ икки минг бир юз ўттиз олти) дона оддий эгаси ёзилган акцияга бўлинган.

3.3. Жамиятнинг устав фонди Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.4. Жамият 10 000 000 000 (ўн миллиард) сўм миқдорида 100 000 000 (бир юз миллион) дона оддий номинал қиймати 100 (бир юз) сўм бўлган қўшимча эълон қилинган акция чиқаришга ҳақли.

а) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш

3.5. Жамият устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.6. Жамият устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан

кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Жамият устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат Жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.

3.7. Қўшимча акциялар эълон қилинган Жамият Уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш масаласига боғлиқ Жамият Уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш ҳақидаги қарор Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади.

Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Жамият устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамият устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамият устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур Уставада кўрсатилган эълон қилинган қўшимча акцияларнинг сони жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

3.8. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги ёки акциянинг номинал қийматини ошириш ҳақидаги қарор Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

б) Жамиятнинг устав фондини камайтириш

3.9. Жамият устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Жамият устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга ҳақли.

3.10. Жамият устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият устав фондининг Жамият Уставидаги тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланмайдиган, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

3.11. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.12. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб

қилишга ҳақли.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ АКЦИЯЛАРНИНГ НИСБАТИ, ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахс акциянинг эгаси - Жамият акциядори деб эътироф этилади.

Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

4.2. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

4.3. Жамиятнинг оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

4.4. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият Кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.

Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар Жамият томонидан жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

5.1. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

Акцияларнинг очиқ обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорда ўтказилади.

5.2. Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.3. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкий ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.4. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа

бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Жамият Кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилаётганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.5. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади. Акциядор, шу жумладан Акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати акцияларни ёки бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларни олишни таклиф этиш тўғрисидаги билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият акциядорлари:

Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Акциядорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва кўзда тутилган ҳолларда ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Жамият томонидан қайтариб сотиб

олинишини талаб қилишга ҳақли.

6.3. Ҳар бир оддий акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

6.4. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва Жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши Жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

6.5. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

6.6. Жамият акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

Жамиятнинг акцияларига қонун ҳужжатларида, ушбу Уставда ва акция чиқарилиши тўғрисидаги қарорларда кўзда тутилган тартибда, усулларда ва муддатларда ҳақ тўлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилмаслик.

Акциядорлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.7. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

Депо ҳисобварағидан кўчирма акциядорнинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, депозитарий томонидан бериладиган ҳужжатдир.

VII. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.2. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисида қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.3. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.4. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.5. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида

талаб қилиб олинмаган дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

7.6. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

7.7. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.8. Жамият:

устав фондининг ҳаммаси у таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендлар тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.9. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан устав фондининг 15 фоизи миқдорида захира фонди тузилади. Жамиятнинг захира фонди ушбу Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

8.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ Жамиятда бошқа фондлар ташкил этилиши мумкин.

IX. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

9.1. Жамиятни бошқариш органлари қуйидагилардан иборат:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

Кузатув Кенгаши;

Коллегиал Ижроия органи - Бошқарув.

X. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгаши раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги низомда белгиланади.

10.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан

кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамият Кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамият Бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, йиллик бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобварағи ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

10.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

10.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамият устав фондини камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда сотиб олишда акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш;

Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш;

Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битимлар бўйича қарор қабул қилиш.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қонун ҳужжатларига, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиши мумкин.

10.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият Бошқаруви ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Жамият акциядорининг талабига кўра акциядорга у Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

10.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича

Жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳукуқига эга.

10.8. Овозга қўйилган масала бўйича Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади, қонун ҳужжатларида ва Уставда қарор қабул қилиш учун овоз бериш белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

10.9. Қуйидаги масалалар бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциядорларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

Жамият Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

эълон қилинган акциядорларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар тузиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Жамият томонидан аффилиланган шахс билан битимларни маъқуллаш.

10.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

10.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

10.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

10.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда Жамият Кузатув кенгаши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

10.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Жамият Кузатув кенгашининг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Жамият Кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамият уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

10.16. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатиغا Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кундан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

10.17. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссияси талабига кўра, шунингдек талаб тақдим этилган санада Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизга эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби билан ўтказилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизга эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

Жамият Кузатув кенгаши Жамият тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизга эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидagi масалаларнинг таърифига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

10.18. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Давлат вакилининг Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи шахсан унинг ўзи томонидан амалга оширилади.

Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда

алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

10.19. Агар Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш конун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

Кворум бўлмаганлиги сабабли Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йиғирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

10.20. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

10.21. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида Жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

Овозларни санаб чиқиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссиясининг аъзолари, Жамият Бошқаруви раиси ва Бошқарув аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

Санок комиссияси Акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради.

Овоз бериш яқунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

Овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун Жамиятнинг архивига топширилади.

Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённома Акциядорлар умумий йиғилишининг

баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

10.22. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси (раёсат) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Жамият Кузатув кенгаши қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомга мувофиқ иш юритади.

11.2. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат.

11.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

Жамият Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарувдан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда аффилиланган шахслар иштирокида битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) кўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва ўзгартириш ва (ёки) кўшимчалар киритиш матнини тасдиқлаш;

Жамият устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш ҳақидаги қарорлар қабул қилиш;

Жамият устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг коллегиял ижроия органини ташкил этиш, Бошқарув раисини ва Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни белгилаш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгаши ваколат доирасига қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қонун ҳужжатларида ва Жамият уставига назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Жамият Бошқаруви аъзолари ва Бошқарув раиси Жамият Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомда белгилаб қўйилади.

11.5. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

11.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

11.7. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг

ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, Бошқарув аъзосининг талабига кўра чақирилади.

Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ўтказилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият Бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.8. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларида, Жамият Уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Қуйидаги масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади:

Жамият устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставага тегишли ўзгартиришларни киритиш;

Жамият устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;

Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш;

Жамият томонидан йирик битимлар тузиш;

Жамият томонидан аффилланган шахслар билан битимлар тузиш.

11.9. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

11.10. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.11. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгашининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўнг кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.12. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамият Бошқарувига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

ХII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати Жамият Бошқаруви

томонидан амалга оширилади.

Жамият Бошқаруви қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи (Бошқарув) тўғрисида»ги низом асосида иш юритади.

12.2. Жамият Бошқаруви аъзоларининг сони 7 кишидан иборат.

12.3. Жамият Бошқарувининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият Бошқаруви Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

12.4. Жамият Бошқаруви ваколатига қуйидагилар киради:

Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маркетинг тадқиқотларни ўтказиш;

Жамиятда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил қилиш;

Жамиятнинг бизнес-режаларини ишлаб чиқиш;

Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва «Ижроия органи (Бошқарув) тўғрисида»ги низомга мувофиқ Бошқарув ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилиш.

12.5. Бошқарув аъзолари қуйидагиларга ҳақли:

Жамият Бошқаруви йиғилишларида шахсан иштирок этиш, йиғилишда муҳокама этилаётган ҳар қандай масала муҳокамаси бўйича сўзга чиқиш;

зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун Жамият фаолиятига тааллуқли ҳужжатлардан фойдаланиш имконига эга бўлиш;

Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Жамият фаолиятининг етакчи йўналишларини аниқлаш бўйича таклифлар киритиш;

Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ва Жамиятнинг ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;

ҳақ олиш.

Бошқарув аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бошқарув аъзоларининг мажбуриятлари:

Жамият манфаатини кўзлаб иш тутиш;

ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

ҳар ойда Бошқарув йиғилишларида ўзларига юклатилган топшириқлар ҳолати бўйича ахборотлар тайёрлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, «Ижроия органи (Бошқарув) тўғрисида»ги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бошқарув аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

12.6. Жамият Бошқаруви раиси Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва давлат муассасаларида, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхона ва ташкилотларда Жамият ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Жамият Бошқаруви раиси ваколатига қуйидагилар киради:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг ижро этилишини ташкил этади;

Кузатув кенгашининг розилиги билан унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Жамият Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун Жамият ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ўрнатилган

тартибда киритади;

Жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларнинг тақдим этилишини таъминлайди;

акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборот олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш, дивидендлар тўлови бўйича барча ҳуқуқларига амал қилинишини таъминлайди;

Жамият мол-мулки ва пул маблағларини қонун ҳужжатларида ва Жамият ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тасарруф қилади;

Жамият номидан шартномалар, контрактлар ва бошқа битимлар тузади;

Жамият номидан ишончномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб рақами ва бошқа ҳисобларни очади, Жамиятнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва ҳисоботларини имзолайди;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

штатларни тасдиқлайди, уларни малакали кадрлар билан тўлиқлигини таъминлайди,

ҳодимлар билан меҳнат шартномалари(контрактлар) тузади ва уларни тугатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилади;

раис ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Жамият фаолиятига оид масалаларни ҳал қилишда уларнинг ваколатларини белгилайди;

Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;

Жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмаларни чиқаради, шунингдек ўзининг ваколати доирасига кирувчи масалаларга оид йўриқномалар ва бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлайди;

Жамият бошқармалари ва таркибий бўлинмалари низомларини тасдиқлайди;

Жамият ходимларига нисбатан амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган интизомий жазо чораларини қўллайди;

ҳодимларни мукофотлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, лавозим иш ҳақлари, уларга устамаларни, турли кўшимча тўловларни белгилайди, Жамият ходимларини рағбатлантиради, шунингдек, Жамият ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида компенсация тўловларини ўрнатади;

Қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва «Ижроия органи (Бошқарув) тўғрисида»ги низомга мувофиқ Бошқарув ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этади.

12.7. Бошқарув раиси қуйидагиларга ҳақли:

ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозимга эга бўлиши мумкин;

ҳақ олиш;

Бошқарув раиси бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;
Жамият Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериш;
акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборотларни олиш,
Акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича
барча ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни
тегишли тарзда ошкор этилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув
кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этилишини
таъминлайди;

Бошқарув йиғилишларини ўтказишни ташкил этиш;

Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

Жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли
органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан
назоратни амалга ошириш;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз
вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси,
тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ
масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, «Ижроия органи (Бошқарув)
тўғрисида»ги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бошқарув раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

12.8. Бошқарув раиси ҳар чорақда Жамият Кузатув кенгаши олдида Жамиятнинг йиллик
бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ҳисобот беради.

Бошқарув раиси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили яқунларига
кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

12.9. Жамият Бошқарувининг мажлисида баённома юритилади. Жамият Бошқаруви
мажлисининг баённомаси Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг аъзолари талабига
кўра уларга берилади.

Жамият Бошқаруви мажлисларини ўтказишни Бошқарув раиси ташкил этади, у Жамият
номидан барча ҳужжатларни ҳамда Жамият бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди.
Жамият Бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Жамият номидан
ишончномасиз иш юритади.

12.10. Жамиятнинг Бошқарув раисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари
тугатиш Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра амалга оширилади.

Жамиятнинг Бошқарув аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари
тугатиш Кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.

12.11. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча
қонун ҳужжатларида, Жамият Уставида ҳамда уларнинг ҳар бири Жамият билан бир йил муддатга
тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни
бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома Жамият номидан
Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан
имзоланади. Жамият Бошқаруви раиси билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти
самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини
бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув
кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

12.12. Жамият Кузатув кенгаши Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган
шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

Жамият Кузатув кенгаши Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган

шартномани, агар улар Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

12.13. Жамиятнинг Бошқарув раисига, Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади.

ХIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ ВА БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

13.2. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

13.3. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамият Кузатув кенгаши аъзоси, Бошқарув раиси ёки Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

ХIV. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

14.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади.

Жамият тафтиш комиссиясининг ваколати:

бир йиллик давр ичидаги фаолият яқунлари бўйча Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;

бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйча Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра хулоса тузиш;

Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани тайёрлаш;

Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқиш.

Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низомда белгиланади.

14.2. Жамият тафтиш комиссияси 3 (уч) кишидан иборат.

Айни бир шахс Жамият тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

14.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамиятнинг ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

14.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг,

Акциядорлар умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

14.5. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги хулоса Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

14.6. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини ёзма талаб қилишга ҳақли.

б) Ички аудит хизмати

14.7. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

14.8. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамият Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

14.9. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомда белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)

14.10. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

14.11. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

14.12. Жамиятда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатдан келиб чиққан ҳолда танлов асосида амалга оширилади.

XV. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

15.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган

Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият Бошқаруви раисининг зиммасида бўлади.

15.2. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

15.3. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

15.4. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

XVI. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

а) Жамиятни қайта ташкил этиш тартиби

16.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан Жамият ташкил этилган деб ҳисобланади, бундан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш мустасно.

Жамият бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганда рўйхатдан ўтказувчи орган қўшиб юборилган юридик шахснинг (Жамиятнинг) фаолияти тугатилганлиги ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайдан эътиборан Жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда қайта ташкил этилган юридик шахсларнинг фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамият ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади. Кредитор Жамиятдан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабардор этиш орқали талаб қилишга ҳақли:

қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш Жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай;

бўлиш ёки ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш Жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан олти кундан кечиктирмай.

Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган Жамиятнинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари юзасидан солидар жавобгар бўлади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган қайта ташкил этиш натижасида тугатилаётган Жамият қимматли қоғозларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан, шунингдек у юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилганидан кейин янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади.

16.2. Ўз фаолиятини тугатган Жамият ва бошқа акциядорлик жамиятларининг ёхуд масъулияти чекланган жамиятларнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги юридик шахсга ўтказиш йўли билан янги юридик шахснинг вужудга келиши Жамият ва бошқа акциядорлик жамиятларининг ёхуд масъулияти чекланган жамиятларнинг қўшиб юборилиши деб эътироф этилади. Жамиятни юридик шахслар билан бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда қўшиб юборишга йўл қўйилмайди.

Жамият қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилганда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги юридик шахсга ўтади.

16.3. Бир ёки бир нечта юридик шахс фаолиятини тугатиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини Жамиятга ўтказиш, ёки Жамиятнинг фаолиятини тугатиб, унинг ҳуқуқ ва

мажбуриятларини бошқа юридик шахсга ўтказиш Жамиятни қўшиб олиш деб эътироф этилади.

Бир ёки бир нечта юридик шахс Жамиятга қўшиб олинаётганда қўшиб олинаётган юридик шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ Жамиятга ўтади.

Жамият бошқа юридик шахсга қўшиб олинаётганда Жамиятнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ бошқа юридик шахсга ўтади.

16.4. Жамият фаолиятини унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ташкил этилаётган юридик шахсларга ўтказган ҳолда тугатиш Жамиятни бўлиш деб эътироф этилади.

Жамият бўлингандан унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари тақсимлаш балансига мувофиқ ташкил этилаётган икки ёки бир нечта юридик шахсга ўтади.

16.5. Қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг фаолиятини тугатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказган ҳолда бир ёки бир нечта юридик шахсни ташкил этиш Жамиятни ажратиш чикариш деб эътироф этилади.

Жамият таркибидан бир ёки бир нечта юридик шахс ажралиб чиққанда ажратиш чикариш шаклида қайта ташкил этилган Жамият ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисми тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

16.6. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда юридик шахснинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакли этиб ўзгартирилишга ҳақли.

Жамият ўзгартирилганида унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари сақланиб қолади.

б) Жамиятни тугатиш тартиби

16.7. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган Жамиятнинг Кузатов кенгаши Жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш тўғрисидаги масалани Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

Ихтиёрий равишда тугатилаётган Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан Жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатувчи тугатилаётган Жамият номидан судда иштирок этади.

Давлат тугатилаётган Жамиятнинг акциядори бўлган тақдирда, тугатиш комиссияси тайинланади ва унинг таркибига давлат мулкни тасарруф этишга ваколатли органнинг вакили киритилади.

16.8. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин Жамиятнинг қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

биринчи навбатда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

иккинчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва Жамият Уставида имтиёзли акциялар бўйича белгиланган тугатиш қийматини тўлаш амалга оширилади;

учинчи навбатда тугатилаётган Жамиятнинг мол-мулкни оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

Мол-мулкни ҳар бир навбат бўйича тақсимлаш аввалги навбат бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

Агар Жамиятдаги мавжуд мол-мулк ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва Жамият Уставида белгиланган тугатиш қийматини имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган барча акциядорларга тўлаш учун етарли бўлмаса, мол-мулк имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Мол-мулкни тугатиш қийматининг чет эллик инвестор бўлган акциядорга ўтказиладиган қисмини Жамият хорижий валютага айирбошлаб бериши шарт.

16.9. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан Жамиятни тугатиш тамомланган, Жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган Жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат Жамиятнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Ушбу Уставнинг ҳолатлари бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

17.2. Ушбу Уставда акс этирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

17.3. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

17.4. Қонун ҳужжатлари ўзгарган тақдирда, ушбу Уставга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилгунга қадар амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрлари қўлланилади.

“Qurilish birlashmasi” AJ
Бошқарув раиси

Каримов А.С.

«РУЙХАТГА ОЛИНГАН»

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Ўзбекистон Республикасининг


қонушьялаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
Давлат қўмитасининг 2014 йил 17 июлдаги
қ-ПО-сонли буйруғи билан

(руйхатдан ўтказувчи орган номи)

20 _____ йил « _____ »

MIRZO ULUG'BEK TUMANI HOKIMIYATI
TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI
RO'YXATIDAN OTKAZISH
INSPEKTSIYASI

рақам билан _____



[Handwritten signature]

RO'YXATGA OLINDI

«QURILISH BIRLASHMASI» Акциядорлик жамияти

2014 y. 02. 10 № 04-01/02761

Уставига кириталаётган
Қўшимчалар

Мирзо Улугбек тумани Хокимияти тadbirkorлик субъектларини
давлат руйхатидан ўтказиш инспекцияси



«QURILISH BIRLASHMASI» Акциядорлик жамияти Устави «УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР»
1-моддасининг 1.6. бандига қуйидаги матнда қўшимча киритилсин:

Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзи бошқарадиган алоҳида мулкка, шу жумладан,
унинг Устав фондига (Устав капиталига) берилган, Жамиятнинг таркибий бўлиmlаларида
ҳисобга олинган мулкка эга, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга
бўлиши ва уларни бошқариши, ўзига жавобгарлик олши, судда даъвогар ва жавобгар
бўлиши мумкин.

«QURILISH BIRLASHMASI» Акциядорлик жамияти Устави «УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР»
1-моддасининг 1.10. бандига қуйидаги матнда қўшимча киритилсин:

- Жамият ўз мажбуриятлари бўйича фақат ўз мол-мулки доирасида жавобгарликларни
ўз зиммасига олади. Жамият ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан
жавобгарликни ўз зиммасига олмайди, худда шундай Жамият иштирокчилари ҳам
Жамият мажбуриятлари юзасидан жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Улар
фақатгина ўз улушлари доирасида жавобгар бўладилар.

«QURILISH BIRLASHMASI» Акциядорлик жамияти Устави «УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР»
1-моддасининг 1.11. бандига қуйидаги матнда қўшимча киритилсин:

- Жамият «QURILISH BIRLASHMASI» Акциядорлик жамияти Кузатув кегали
мажлисида тасдиқланган Низомга асосан фаолият юритувчи ўз филиалларини
ташкил этиш ва ваколатхоналари очиш ҳуқуқига эга (2014 йил 19 сентябрдаги
мажлис 2-сонли қарори)

Жамият таркибига қуйидаги филиаллар кирди:

- Давлат тилида (лотинчада):
TAMIR SOZLASH BOSHQARMASI «QURILISH BIRLASHMASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI
- Давлат тилида (кириллчада):
Тамир Солаши Бошқармаси «Қуриш Бирлешмаси» Акциядорлик Жамияти
- Рус тилида (кириллчада):
Ремонтно-Монтажное Управление Акционерного Общества «QURILISH BIRLASHMASI»
- Қисқартирилган номи:
«QURILISH BIRLASHMASI» АК ТСБ

II.

а) Давлат тилида (лотинчада):
QURILISH BOSHQARMASI «QURILISH BIRLASHMASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

б) Давлат тилида (кириллчада):
Қурилиш Бюшқармаси «Қурилиш Бирлашмаси» Акциядорлик Жамияти

в) Рус тилида (кириллчада):
Строительное Управление Акционерного Общества «QURILISH BIRLASHMASI»

г) Кискартирилган номи:
«QURILISH BIRLASHMASI» АЖ КБ

III.

а) Давлат тилида (лотинчада):
QURILISH MONTAJ BOSHQARMASI «QURILISH BIRLASHMASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

б) Давлат тилида (кириллчада):
Қурилиш Монтаж Бюшқармаси «Қурилиш Бирлашмаси» акциядорлик жамияти

в) Рус тилида (кириллчада):
Строительное Монтажное Управление Акционерного Общества «QURILISH BIRLASHMASI»

г) Кискартирилган номи:
«QURILISH BIRLASHMASI» АЖ КМБ

IV.

а) Давлат тилида (лотинчада):
KICHIK MEKANIZATSIYA BOSHQARMASI «QURILISH BIRLASHMASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

б) Давлат тилида (кириллчада):
Кичик Механизация Бюшқармаси «Қурилиш Бирлашмаси» акциядорлик жамияти

в) Рус тилида (кириллчада):
Управление Малой Механизации Акционерного Общества «QURILISH BIRLASHMASI»


г) Кискартирилган номи:
«QURILISH BIRLASHMASI» АЖ КМБ

«QURILISH BIRLASHMASI» Акциядорлик жамияти Устави «УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР»
1-моддасининг 1.12. банди учинчи қатбошига бандига қуйидаги матнда ўзгартириш киритилсин:

- Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди. Улар Жамиятнинг Кузгитув кегашини мажлисида тасдиқланган Низомга асосан фаоллият юритади. Алоҳида таркибий бўлинмалар ва филиалларга Жамиятнинг мол-мулкни ҳисобидан асосан ва айланма фондлар ажратилмайди, ва улар Жамиятнинг эркин баянида ҳисобга олинмайди.

19.11.2014

Қурилиш Бюшқармаси
«Қурилиш Бирлашмаси» Акциядорлик
Жамияти



«РУЙХАТГА ОЛИНГАН»

MIRZO ULUG BEK TUMANI HOKIMIYATI
TABDIKORLIK SUB'EKTLARINI
RO'YXATDAN OTKAZISH
INSPEKTSIYASI
RO'YXATGA OLINDI

5 20 04 04-0000761



«TASDIQLANGAN»

Узбекистон Республикасининг
тусувилаштириш, монополиядан чиқириш
и рақобатни ривожлантириш Давлат
қўшма корхонасининг 2014 йил 17 июлдаги
сонли буйруғи билан



«QURILISH BIRLASHMASI» Акциядорлик жамияти
Уставига кириталаётган

КУШИМЧАЛАР

Мирзо Улугбек тумани Хокимияти табдикорлик субъектларини
Давлат руйхатидан утказиш инспекцияси

«QURILISH BIRLASHMASI» Акциядорлик жамияти Устави «УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР» 1-моддасинг 1.6. бандига куйидаги мантда кушимча киритилсин:

- Жамият юридик шахс ҳисобланади ва узи бошқарадиган алоҳида мулкига, шу жумладан, унинг Устав фондига (Устав капиталига) берилган, Жамиятнинг таркибий бўлинмаларида ҳисобга олинган мулкига эга, уз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларни бошқариши, узига жавобгарлик олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

«QURILISH BIRLASHMASI» Акциядорлик жамияти Устави «УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР» 1-моддасинг 1.10. бандига куйидаги мантда кушимча киритилсин:

- Жамият уз мажбуриятлари буйча факат уз мол-мулки доирасида жавобгарликларни уз зиммасига олади. Жамият уз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгарликни уз зиммасига олмайди, худда иундай Жамият иштирокчилари ҳам Жамият мажбуриятлари юзасидан жавобгарликни уз зиммасига олмайди. Улар факатгина уз улушлари доирасида жавобгар бўладилар.

«QURILISH BIRLASHMASI» Акциядорлик жамияти Устави «УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР» 1-моддасинг 1.11. бандига куйидаги мантда кушимча киритилсин:

- Жамият «QURILISH BIRLASHMASI» Акциядорлик жамияти Кузатув кегаши мажлисида тасдиқланган Низомга асосан фаолият юритувчи уз филиалларни ташкил эти ива ваколатхоналари ҳуқуқига эга (2014 йил 19 сентябрдаги мажлис 2-сонли қарори)

Жамият таркибига куйидаги филиаллар қиради:

I.

а) Давлат тилида (лотинчада):

T'AMIR SOZLASH BOSHQARMASI «QURILISH BIRLASHMASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

б) Давлат тилида (кириллчада):

Тамир Созлаш Бошқармаси «Қурилиш Бирлашмаси» Акциядорлик Жамияти

в) Рус тилида (кириллчада):

Ремонтно-Монтажное Управление Акционерного Общества «QURILISH BIRLASHMASI»

г) Қисқатирилган номи:

«QURILISH BIRLASHMASI» АЖ ТСБ

II.

а) Давлат тилида (лотинчада):

QURILISH BOSHQARMASI «QURILISH BIRLASHMASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

б) Давлат тилида (кириллчада):

Қурилиш Бошқармаси «Қурилиш Бирлашмаси» Акциядорлик Жамияти

в) Рус тилида (кириллчада):

Строительное Управление Акционерного Общества «QURILISH BIRLASHMASI»

2) Кискатирилган номи:
«QURILISH BIRLASHMASI» АЖ КБ

Ш.

а) Давлат тилида (лотинчада):
QURILISH MONTAJ BOSHQARMASI «QURILISH BIRLASHMASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

б) Давлат тилида (кириллчада):
Курилиш Монтаж Бошкармаси «Курилиш Бирлашмаси» Акциядорлик Жамияти

в) Рус тилида (кириллчада):
Строительное Монтажное Управление Акционерного Общества «QURILISH BIRLASHMASI»

2) Кискатирилган номи:
«QURILISH BIRLASHMASI» АЖ КМБ

IV.

а) Давлат тилида (лотинчада):
KICHIK MEHANIZATSIYA BOSHQARMASI «QURILISH BIRLASHMASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

б) Давлат тилида (кириллчада):
Кичик Механизация Бошкармаси «Курилиш Бирлашмаси» Акциядорлик Жамияти

в) Рус тилида (кириллчада):
Управление Малой механизации Акционерного Общества «QURILISH BIRLASHMASI»

2) Кискатирилган номи:
«QURILISH BIRLASHMASI» АЖ КМБ

V.

а) Давлат тилида (лотинчада):
ISHLAB CHIQARISH MONTAJ BOSHQARMASI «QURILISH BIRLASHMASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI


б) Давлат тилида (кириллчада):
Ишлаб Чикариш Монтаж Бошкармаси «Курилиш Бирлашмаси» Акциядорлик Жамияти

в) Рус тилида (кириллчада):
Производственное монтажное управление Акционерного Общества «QURILISH BIRLASHMASI»

2) Кискатирилган номи:
«QURILISH BIRLASHMASI» АЖ ИЧМБ

«QURILISH BIRLASHMASI» Акциядорлик жамияти Устави «УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР» 1-моддасинг 1.12. банди учини хатбошига бандига куйидаги мантда узгартириш киритилсин:

- Жамиятинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс хисобланмайди. Улар Жамиятинг Кузатув кегачи мажлисида тасдиқланган Низомга асосан фаолият юритади. Алохида таркибий булинмалар ва филиалларга Жамиятинг мол-мулки хисобидан асосий ва айланма фондлар ажралтилиди, ва улар Жамиятинг эркин балансида хисобга олинади.



**“Qurilish birlashmasi” aksiyadorlik jamiyati
акциядорининг 2015 йил 30 июндаги қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**



**“Qurilish birlashmasi” aksiyadorlik jamiyati
уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар
МАТНИ**

Амалдаги тахрир	Янги тахрир
<p>2.6. банд киритилсин</p>	<p>2-модда 2.6. банди</p> <p>2.6. Жамият фаолиятида ўтган молиявий йил учун белгиланган бизнес режа параметрларининг соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирдагина, Жамият хайрия, хомийлик ва беғараз ёрдам билан боғлиқ харажатлари ўтган йил соф фойдасининг 10 фоизидан ортиб кетмаслик шарти билан амалга оширилади.</p>
<p>12-модда 12.10. банди</p> <p>12.10. Жамиятнинг Бошқарув раисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра амалга оширилади. Жамиятнинг Бошқарув аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.</p>	<p>12-модда 12.10. банди</p> <p>12.10. Жамиятнинг Бошқарув раисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра амалга оширилади. Жамият Бошқарув раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади. Жамиятнинг Бошқарув аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.</p>

**“Qurilish birlashmasi” AJ
Бошқарув раиси**



А.С.Каримов